

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Тошкент ислом университети магистранти**

Мирзаҳамдамова Шарифанинг

Ислом ва жамият фанидан

Мустақил иши

**Мавзу: Умавийлар ва Аббосийлар
даврида ислом**

Устоз: т.ф.н. Д. Раҳимжонов

Тошкент 2009

РЕЖА

- 1. Кириш**
- 2. Ҳалифаликлардан олдинги тарихга бир назар;**
- 3. Ҳалифалик даври;**
- 4. Уммавийлар ва аббосийлар даврининг ўзига хос сиёсати**
- 5. Хулоса**
- 6. Адабиётлар рўйхати**

Одамзод ер юзида адолат истаб яшайди. Бунинг учун турли йўл-йўриқлар, конун-қоидалар, таълимотлар яратади, уларни турмушга жорий этишга интилади. Лекин бу адолат ҳамisha ҳам ғолиб келавермайди. Чунки инсондаги манфаат деб аталмиш нафс туйғуси ҳар қандай адолатни чил-парчин қилиб, ер билан яқсон этишга қодир. Дунёдаги адолатпарвар таълимот – Ислондир. У одамларнинг миллатидан, тилидан, жинсидан, ирқидан, ижтимоий мавқеидан, хуллас ким бўлишлигидан қатъий назар ягона Аллоҳнинг бандаси деган ғоя остида бирлаштиради. Ислон таълимотида Яратувчи олдида барча инсонлар тенг ва баробар билиб, Ислон уларнинг жамиятдаги моддий, ирсий ва жинсий томондан табақалашувига барҳам беради. Жамиятдаги бу ижтимоий адолатнинг мезонлари, тамойиллари ислоннинг асосий манбаълари Қуръони Каримда, Ҳадисларда, уламолар томонидан бу икки манба асосида ишлаб чиқилган фикҳ илмларида мужассамлашган. Бу тамойилларни мусулмонлар неча юз йиллардирки ҳаётга жорий этишга ҳаракат қиладилар.

ҲАЛИФАЛИКЛАРДАН ОЛДИНГИ ТАРИХГА БИР НАЗАР

Маълумки, Ислоннинг келиб чиқиши 6-асрнинг охири ва 7-асрнинг бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу давргача араблар ўртасида қабилачилик, уруғчилик тузуми ҳукмрон бўлиб, уларнинг ҳар бири турли бут ва санамларга сиғинар ва эътиқод орасидаги тафовут туфайли мунтазам турли-туман можаролар, низо ва жанжаллар бўлиб турар эди. Ислон таълимоти бу қавмларни ягона Аллоҳга эътиқод қўйиш орқали ягона миллатга бирлаштирди ва қабила-уруғчилик мажороларига барҳам берди. Шунинг учун ҳам Ислон динининг тарқоқ араб халқларини бирлаштиришдаги ва унинг миллий қудратини оширишдаги роли жуда улугдир.

Биламизки, Муҳаммад алайҳиссалом фақат Ислон дини ва таълимотининг эмас балки, биринчи араб-Ислон давлатчилигининг ҳам асосчиси бўлиб ҳисобланади. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг 23 йиллик сайъ ҳаракатлари туфайли араб халқлари Ислон нури билан покланиб, жаҳолат ва

халокат боткоғидан кутилди, унинг сарҳадларида пойдевори адолат ва хақиқатдан иборат кучли мусулмон давлати барпо этилди. Бу дин ва давлатнинг довуғи етти иқлимга тарқалди. Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламнинг вафотидан сўнг дин ва давлат ишларини унинг сафдошлари, пайғамбарнинг ўринбосарлари давом эттира бошлади. Бундай давлат тизими ҳалифалик деб, унинг бошқарувчиси эса ҳалифа деб юритилди. Шу маънода ҳалифалик пайғамбар ўринбосарлари томонидан бошқариладиган мусулмон давлати демакдир.

Ислом давлатига Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам раҳбарлик қилган, «Асри Саодат» номи билан машҳур бўлган даврда, шунингдек «Садри Ислом» деб аталган дастлабки беш ҳалифа («Ҳулофои Рошидун») даврида (632-661 йиллар) Қуръони Карим мусулмонларнинг асосий қонуни бўлиб, ички сиёсатда «умматлик» тартиби жорий этилган эди. Ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг кули, Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламнинг уммати ҳисобланиб, улар бир-бирлари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро биродар, оға-ини деб билинар, ораларида насл-насаби, молу-мулки, тили, танасининг ранги, миллати, уруғ-қабиласига боғлиқ имтиёзлар йўқ эди. Шунга қарамай бу адолатли давлатнинг умри узокқа чўзилмади. Пайғамбарнинг (саллаллоху алайҳи васаллам) ўзи: "Мендан кейин ҳалифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин турли амирликлар ва подшоҳликлар пайдо бўлади" (Имом ат-Термизий ривояти) - деб башорат қилганидек, у роппа-роса ўттиз йил давом этди. Ўттиз йилдан сўнг мусулмонларни бирлаштириш ва адолатли Ислом давлати барпо этиш йўлидаги барча ҳаракатлар муваффақиятсизликка учради. Ислом дини шиори остида кейинги барпо этилган барча мусулмон давлатлари, салтанатлари ўзларини ҳалифалик деб атасаларда, аслида маълум бир шахсларнинг ёки қавмларнинг манфаатларини кўзлаган ҳукумат тизими эди, холос.

ҲАЛИФАЛИК ДАВРИ

«Асри Саодат» даврида Ислом Арабистон ҳудудларидагина тарқалган бўлса, «Ҳулофои Рошидун» даврига келиб мусулмончилик Араб ярим ороли

чегараларидан чиқиб, Ироқ, Сурия, Фаластин, Эрон, Миср, Шимолий Африка, Кибриз (Кипр), Жанубий Кавказ, Хуросонни ўз ичига олди. Ислом сарҳадлари кенгая боргани сари бу ҳудудга турли эътиқод, турли руҳ ва кайфиятдаги кишилар кира бошлади. Уларнинг кўпчилиги сидқидилдан Ислом эътиқодини қабул қилган бўлсаларда, ораларида ўзларининг илгариги ботил эътиқодларидан воз кеча олмаган, гарчи расман мусулмончиликни қабул қилган бўлсада, унинг тартиб-қоидаларига қаршилари ҳам анчагина эди. Улар Ислом давлатининг кудратидан ҳайиққанлиги учун унга қарши очик-ойдин курашишга журъат эта олмасдан, зимдан турли-туман яширин ташкилотлар, уюшмалар тузиб, шу уюшмалар воситасида мусулмонларни бир-бирларига гижгижлаш, улар ўртасида ихтилофлар, низолар чиқаришга ҳаракат қилардилар. Бундай ҳатти-ҳаракатлардан асосий кўзланган мақсад Ислом давлатини ичидан нуратиш, Ислом динини обрўсизлантириш, унинг кучайиб боришини олдини олиш эди. Бундай ҳаракатлар Пайғамбар давридаёқ бошланиб, унинг вафотидан кейин янада кучайиб, кейинчалик бир-бирига қарши турган кўплаб оқимларни келтириб чиқарди. Шундай ташкилотлардан бири асли Яманлик яҳудийлардан бўлиб, ёлғондакам Исломни қабул қилган ва исмини ўзгартириб, Сабаъ ибн Абдуллоҳ номини олган бир мунофиқ томонидан тузилган «Сабаийя фирқаси» бўлиб, унинг мақсади Ислом бирлигини бузиш эди. Ҳазрати Усмон р.а. ҳалифалиги даврида (644-656 йиллар) тузилган бу фирқа фитналар уюштириб, Ҳазрати Усмонга (р.а.) қарши суиқасд уюштиришга, уни қатл этилишига сабаб бўлди. Ҳазрати Али (каримоллоҳу ваҷҳаҳу) ҳалифалиги даврида эса (656-661 йиллар) Маккалик ва Мадиналик мусулмонлар ўртасида уруш чиқаришга (Жамал воқеаси, 656 йил), бу урушда кўплаб мусулмонларнинг, шу жумладан Талха ва Зубайр р.а.лар каби Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин саҳобаларининг ҳалок бўлишига, Пайғамбарнинг суюкли хотини, барча мусулмонларнинг онаси ҳисобланмиш Ойиша р.а.нинг бир муддат асир олинишига, Абу Суфён авлодларидан бўлган Муовийя р.а. билан Ҳазрати Али ўртасида қонли урушлар чиқариб, ҳалифаликнинг иккига бўлинишига, яъни Ҳазрати Али бошлиқ Куфа ҳалифалиги ва Муовийя бошлиқ Шом ҳалифалиги

тузулишига, Ҳазрат Алига суикасдлар уюштириб, охир оқибат унинг қатл қилинишига (661 йил) эришдилар. Ҳазрати Алининг ўрнига Куфа ҳалифалигига сайланган унинг ўғли Ҳазрати Ҳасан р.а. олти ойдан сўнг мусулмонлар бирлиги йўлида ҳалифаликни Муовийяга ўз ихтиёри билан топширдилар. Бу билан «Ҳулофои Рошидун» даври ниҳоясига етди. Аммо мусулмонлар бирлиги вужудга келмади.

Муовийя томонидан асосланган Уммавийлар ҳалифалиги даврида (660-750 йиллар) Ислом ҳалифалигининг кўплаб тамойиллари бузила бошланди. Масалан, ҳалифалик лавозимига Ҳулофои Рошидун давридаги демократик асосда халқдан байъат олиш билан сайлаб қўйиш усули ўрнига отадан ўнгилга ўтувчи салтанат усули жорий этилди. Асри Саодат ва Ҳулофои Рошидун даврларида сўзсиз амал қилинган ва Ислом динининг асосий ғояларидан бўлмиш «мусулмонлар тенглиги» тамойили бузилиб, араблар устун бир насл деган ғоя олға сурилди. Араблар ичида эса Исломдан олдин ҳукмронлик қилган қаблачилик кайфиятларини кучайтирдилар. Бу даврда Ислом сарҳадлари кенгайиб, Атлантика океанидан Хитой деворларигача бўлган ўлкан ҳудудларни ўз ичига олиб, нуфуси юз эллик миллион кишига етган бўлсада, энди Ҳулофои Рошидун давридаги фатҳ ҳаракати истилочилик сиёсати билан алмаштирилган эди, яъни, агар фатҳдан мақсад Ислом дини ва эътиқоди учун кураш бўлиб, бу ғояни қабул қилган ўлкалар ва миллатлар тилидан, ирқидан, қабиласидан ва ҳ.к. қатъий назар бирор-бир гуруҳга, миллатга ёки қабиллага тобе бўлмасдан бир-бирлари билан тенг, биродар ҳисобланган бўлсалар, истилодан мақсад Ислом шиори остида бошқа миллатлар ва мамлакатларни Уммавийларга тобе этиш бўлди. Ислом ғояларига зид бўлган бундай «устунлик» даъвоси Ислом дунёсида катта норозиликларга олиб келди. Араб бўлмаган халқлар арабларга қарши бирлашиб, «шуъубийя» номи билан турли фирқалар ташкил қилдилар. Мана шундай бир пайтда арабларнинг ўзлари ҳам қаблачилик куткуси остида Уммавийлар салтанатини йиқитиш учун ҳаракатлар бошладилар.

Уммавийлар Мусулмонликдан аввал Макканинг ҳокими ва Каъбанинг химоячилари бўлган Қурайш қабиласининг бир тармоғи эди. Бу қабиланинг иккинчи тармоғи Ҳошимийлар бўлиб, азалдан бу икки тармоқ ўртасида рақобат ва ҳокимият учун кураш давом этиб келган. Уммавий халифалар ҳукмронлиги даврида мана шу эски рақобатнинг давом эттирилиши кўпгина қонли тукнашувларга сабаб бўлди. Ҳошимийлар тармоғининг ўзи ҳам бу даврда Али авлодлари ва Аббос (Мухаммад саллаллоху алайҳи васалламнинг амакиси) авлодлари каби икки тармоққа ажралдилар ва ҳокимият учун кураш бошладилар. Айниқса Ҳазрати Али авлодлари халифаликнинг Уммавийлар кўлида қолиб кетишига рози бўлмадилар. Халифаликни қайтариб олиш мақсадида Ҳазрати Али авлодларидан 680 йилда Ҳазрати Ҳусайннинг, 739 йилда Ҳазрати Ҳусайннинг набираси Зайднинг исёни, 742 йилда Зайднинг ўғли Яҳёнинг курашлари Уммавийлар томонидан фожеали тарзда бостирилиб, исёнчилар қонга бўялдилар.

Куфада Ҳазрати Али тарафдорлари Уммавийларга қарши бир фирқа тузиб, Карбало даштидаги воқеадан пушаймонлик ва гуноҳларига тавба этганлигини билдириш мақсадида унга «Таввабий» (Тавба қилувчилар) деб ном бердилар. Бу фирқанинг бошида бўлган Мухтор исмли кўмондон Куфада «Шийя ҳукумати»ни жорий қилди. Хижозда эса Макка ва Мадина аҳолисини бирлаштирувчи халифалик ташкил этилди. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида уч халифалик вужудга келиб, улар ўртасида кураш бошланди. Уммавий ҳукмдорлари Яъзид ва Абдулмаликлар салтанат бутунлигини тиклаш йўлида муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига ўт кўйиб, аҳолисини қонга ботиришдан. Хатто Аллоҳнинг уйи ҳисобланмиш Каъба биносини вайрон этишдан ҳам хазар этмадилар.

Уммавийлар ҳукмронлиги даврида халифалик ҳудудларидаги халқ оммасининг аҳволи оғирлашди. Айниқса халифа Марвон II даврида ер солиғи - харажаларнинг ҳаддан ортиқ кўпайтирилганлиги, араб бўлмаган маҳаллий аҳолининг Уммавийлар томонидан амалга оширилаётган кўплаб қурилиш

ишларига мажбуран жалб этилиши халқнинг сабр касасини тўлдирди. Бу даврда Аббосийлар имом Иброҳим ибн Муҳаммад бошчилигида Уммавийларга қарши ташвиқот ишларинини кучайтирди. Муслмонларнинг юзлаб йиллардан буён аҳволи танг эканлигининг асосий сабаби Уммавийларнинг халифалик бошида эканлиги деган ғояни халифаликнинг барча ҳудудларига тарғиботчилар орқали кенг ёйилишига эришдилар. Улар халққа Уммавийлар халифалик ҳукмронлиги ағдариб ташланса ҳаража ва бошқа солиқларнинг камайтирилишини, аҳоли мажбурий суратда жалб этилаётган қурилишларнинг тўхталтилишини, маҳаллий аҳолига сиёсий ҳуқуқлар берилишини ва уларни давлат ишларини бошқаришга кенг жалб этилишини ваъда қилдилар. Бундай ваъдалар бир вақтнинг ўзида солиқлардан ва мажбурий қурилиш ишларидан тинкаси қуриган камбағал деҳқонларни ҳам, ҳокимият ишларини қўлларига киритишга орзуманд бўлган маҳаллий зодагонларни ҳам Уммавийларга қарши кўтаришга олиб келди. Оқибатда Уммавийларга қарши ҳаракат бутун халифаликка ёйилди. Хуросонда Ҳазрати Али тарфдорлари томонидан тайёрланган ва Абу Муслим раҳбарлигида бошланган кўзғолон шундай ҳаракатларнинг энг йириги эди.

Абу Муслим кўзғолони Исломга қарши ҳаракат бўлмасдан, балки Уммавийлар истебдодига қарши йўналтирилган эди. Тарихий манбаларга қараганда Абу Муслим камбағал деҳқонлардан чиққан халқ йўлбошчиси, баъзи манбаларга кўра эса у ёшлигида қул бўлган. Хуросоннинг энг йирик шаҳри бўлмиш Марв атрофида у «пайғамбар авлодининг вакили» сифатида Уммавийлар сиёсатига қарши бўлган шиалар ва бошқа тоифадаги кишиларни махфий ҳолда ўз атрофига тўплай бошлади. Етарлича куч тўплагач, 747 йилнинг 9 июлида қора байроқ остида халқни Уммавийларга қарши очиқ қурашга чорлади. Бу рангни танлашда рамзий маъно бўлиб, бу ҳам бўлса оқ байроқ остида бирлашган Уммавийларга қарши эканлигини таъкидлаб турувчи бир белги эди. Абу Муслимнинг чақириғи халифалик ҳудудида яшовчи арабларнинг ҳам, араб бўлмаган халқларнинг ҳам кўпчилиги орасида катта муваффақият қозонди. Абу Муслим кўзғолони кучая бориб, даҳшатли тус олди ва охири-оқибат 750 йилда Уммавийлар салтанатининг инқирозига олиб келди. Бундан

усталик билан фойдаланган курайш Хошимийлари уруғининг иккинчи тармоғи бўлмиш Аббосийлар Ироқда халқдан байъат олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга мувафак бўлдилар.

Салтанатга келган Аббосийлар энди Уммавийларга нисбатан қонли интиқом сиёсатини юргиза бошладилар. Уммавий шахзодаларни ҳалифаликнинг барча бурчакларида қидирилар ва қўлга тушганлари раҳимсизларча қиличдан ўтказилди. Аббосийлар ҳам Асри Саодат ва Садри Ислом даврларда қўлланилган мусулмон биродарлиги ва тенглиги ғоясини ҳаётга тадбиқ қила олмадилар. Аксинча, Уммавийлар давридагидек ҳалифаликни салтанат шаклида идора қилишни давом эттирдилар. Уммавийлар даврида бошланган низолар Аббосийлар даврида ҳам тўхтамади, балки янада авж олди. Аббосийлар ҳокимиятга келган дастлабки даврда эронликларга суянган ҳолда араб исёнчиларини бостиришга эришган бўлсалар, кейинчалик арабларга суяниб, эронликларга зўравонликлар ўтказди. Меҳнаткаш халққа солиқларни камайтириш ҳақидаги ваъдалар ваъдалигича қолиб кетди. Шу тариқа улар ҳам эронликларнинг, ҳам арабларнинг эътиборидан тушдилар. Натижада Бутун ҳалифаликда, айниқса Хуросонда, Эронда ва Мавароуннаҳрда Аббосийларга қарши кўзғолонлар авж олиб кетди. Айниқса 755 йилда ҳалифа Абу Жафар ал-Мансур томонидан Абу Муслимнинг ҳойинона ўлдирилиши бундай ҳаракатларни янада кучайишига сабаб бўлди. Абу Муслимнинг ўлдирилишига қарши унинг яқин издошларидан бўлган Сумбад Маг томонидан 755 йилда бошланган кўзғолон, 776-780 йилларда бўлиб ўтган Муқанна бошчилигидаги «Оқ кийимлилар кўзғолони», 806-810 йилларда Самарқандда бошланиб, бутун Мавароуннаҳрни ларзага келтирган Рофи ибн Лайс бошчилигидаги кўзғолон бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу воқеалар ҳалифанинг ноиблари (волийлар) Хуросон, Эрон ва Мавароуннаҳрни фақат курул кучи билан тутиб тура олмасликларини кўрсатиб берди. Ҳалифа волийлари маҳаллий зодагонларни бошқарув ишларига кенг жалб қилган вилоятлардагина аҳвол бир мунча яхши бўларди. Аббосийлар шу усулни кенгроқ қўллаб, бир томондан уларни мустақиллик учун бўлган курашларини сусайтиришга, иккинчи томондан эса

маҳаллий амалдорларга таянган ҳолда халқ ғалаёнларини бостиришга эришмокчи бўлдилар. Айни шу сабабларга кўра ҳалифа Мансур ҳукмронлиги даврида (754-775 йиллар), кейинчалик унинг ворислари - ҳалифа Маҳдий (775-785 йиллар) ва Хорун ар-Рашид. даврларида (786-809 йиллар) Мавароуннахр ва Хуросоннинг кўпгина вилоятларни бошқариш учун маҳаллий зодагонлардан бўлган волийлар – вазирлар тайинландилар.

Аммо бундай тадбир ҳалифаликнинг мустақкамланишига эмас, балки араб бўлмаган халқларнинг араблар ҳукмронлигидан чиқишга бўлган ҳаракатларини кучайишига туртки бўлди. Шундай маҳаллий бошлиқлардан бири Тоҳир ибн Ҳусайн бўлиб, у ҳалифа Маъмун саройида жуда катта таъсирга эга эди. Чунки у Хорун ар-Рашиднинг ворислари бўлмиш Амин ва Маъмун ўртасида ҳалифалик учун бўлган курашларда Маъмун томонида бўлиб, унинг лашкарига бошчилик қилган ва 813 йилда Боғдодни эгаллаб, Маъмуннинг ҳалифалик тахтига чиқиши учун катта хизмат қилган, бу хизматлари учун ҳалифаликдаги барча ҳарбий кучларнинг бош кўмондони, кейинчалик - 821 йилда - Хуросон вилоятига волий этиб тайинланган эди.

Тоҳир Хуросон ва Мавороуннахр вилоятларини мустақил ҳукмрон сингари бошқарди, 822 йилда эса жума номозларида ҳалифанинг номини хутбаларда кўшиб ўқишни ҳам таъқиқлади. Бу эса амалда Боғдод ҳалифалиги билан алоқалар узилганлиги билан баробар эди. Бу воқеалардан озгина фурсат ўтгач Тоҳир ўлади. У ҳалифа айғокчилари томонидан захарланган деган шубҳалар бор. Гарчи Тоҳир очикчасига ҳалифаликдан чиқиб кетиш учун курашган бўлсада, ўлимидан кейин ҳалифа Маъмун унинг ўрнига ўғли Талхани волий этиб тайинлайди (822-828 йиллар). Аммо Тоҳирнинг иккинчи ўғли - Абдуллоҳ ўзини ҳалифаликка тобе эмас деб ҳисоблайди ва Хуросонда мустақил ҳукмронлик ўрнатади (830-844 йиллар). Гарчи ҳалифа Муттасим (833-842 йиллар) Абдуллоҳни кўргани кўзи бўлмасада, уни ўз измига буйин ҳам сундира олмади, уни захарлашнинг ҳам уддасидан чиқмади.

Аббосийлар ҳалифалигининг кейинги босқичида ҳалифаликни тан олиб, расман ўзларини унга тобе эканликларини билдирсада, амалда мустақил бўлган вилоятлар сони кўпая борди. Ҳалифалик энди давлат бирлиги эмас, балки муслмонларнинг ғоявий бирлигини ифодаловчи диний бошқарма даражасига туша борди. Оқибатда Уммавийлар даврида Атлантика океанидан Хитой деворларигача чўзилган бепоён ўлкаларни ўз ичига олган ҳалифалик Аббосийлар даврида парчаланишга юз тутиб, унинг ҳудудларида «Тавоифи мулк» деб аталувчи кичик-кичик давлатлар пайдо бўла бошлади.

Худди шундай шароитда «Исломни ёт унсурлардан тозалаш» шиори остида, аслида муслмончиликка қарши ғояларни тарғиб қилувчи, эски мажусийлик ва маздакчиликни тиклашга ҳаракат қилувчи оқимлар ҳам юзага келди. Шундай оқимлардан бири «Исмоилийлар» ҳаракатидир. Бу ҳаракат деярли 400 йил давомида барча Ислом мамлакатларида, айниқса Бахрайнда, Мисрда, Марказий Осиё ва Эрон тарихида алоҳида ўрин олиб келди.

Исмоилийчилик ҳаракати VIII асрда Ҳазрити Али ва Фотима р.а.ларнинг авлодларидан бўлмиш отаси имом Жафари Содик томонидан валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум этилган имом Исмоил тарафдорларининг уюшмаси бўлиб, мистик шиачилик оқими сифатида майдонга чиқди. IX аср охирида ҳалифаликда «занжилар уруши» ва карматлар кўзғолони кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатларда қора танли қуллар, қоранда дехқонлар ва камбағал бадавий кўчманчилар асосий куч сифатида майдонга чиққан бўлсада, улар натижасида Аббосий ҳалифалигига душманлик руҳидаги исмоилийлар бошлиқ Мағрибда ва Бахрайнда икки мустақил давлат вужудга келди. Аммо бу давлатларнинг давлат тузулиши ва сиёсий мафкураси бир-биридан фарқ қилар эди. Бахрайндаги карматлар давлати қулдорлик тузумига асосланган эди. Бахрайн карматлари кўзғолон пайтида ва ундан кейин - 930 йилда Бахрайндан Маккага юриш уюштирганларида Каъбадаги муқаддас «қора тош»ни ўғирлаб кетиб, «кўркмас ва чакқон» дахрийлар сифатида доврўқ чиқардилар.

Мағрибда ҳокимиятни ўз қўлларига олишга муваффақ бўлган Убайдуллох исмли қўмондон бошчилигида исмоилийлар имом Исмоилнинг ўғли Муҳаммаднинг халифалик ҳуқуқини ёқлаб чиқдилар ва ўзини имом Муҳаммаднинг авлодидан деб даъво қилган Убадуллохни турмадан озод қилиб, халифаликка кўтардилар. Унинг ворисларидан бири кейинчалик Миср тахтини эгаллашга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Мисрда деярли 200 йил ҳукмронлик қилган Фотимийлар халифалиги вужудга келди. Хуросон, Эрон ва Мавароуннахр ҳудудларида вужудга келган кўпгина давлатларда фотимийлар халифалигининг таъсири анча кучли эди. Мисрдан бир неча ойлик карвон йўли масофасида жойлашган бу ҳудудларда фотимий халифалар «ер юзида адолат ўрнатувчилар» деб эълон қилинар ва исмоилийларнинг устакорлик билан қилинган тарғиботлари туфайли бу уйдурмаларга кўпчиликни ишонтиришга мувофиқ бўлар эдилар. «Фотимийлар» атамаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари бўлмиш Фотима р.а.нинг исмлари билан боғлиқ бўлиб, Миср халифалари ўзларини Фотима р.а. орқали пайғамбарнинг ворислари деб эълон қилган эдилар.

Фотимийлар халифалигининг асосий ғоявий манбаси исмоилийлик таълимоти эди. Исмоилийлик ҳаракати вакиллари ўзларини мусулмонлардан деб ҳисобласаларда, амалда улар изчил расмий Ислом суннийлигига муҳолифат сифатида майдонга чиққанлар. Шунинг учун ҳам изчил суннийлик таълимоти тарафдорлари бўлган мусулмон олимлари (ан-Надим, Абдул Ҳаққор Бағдодий, Ибн Ҳазм, Низом ул-Мулк ва бошқалар) исмоилийларни Исломнинг энг даҳшатли душманлари, уни маҳв этувчилар деб ҳисоблаганлар. Аммо оддий исмоилийлар соддадилларча ўзларини «Ислом софлиги учун курашувчилар» деб билардилар.

Исмоилийлар назариясидан кутилган асосий натижа - мазҳаб аъзоларида инсоний бурч ва кадр-қиммат туйғуларини сўндириш эди. Бундан мақсад Фотимий халифалари тахтини содоқатли, кўрқмас, даҳшатли лашкарлар билан ҳимоя қилиш; таълимот издошлари орасидан махфий тарғиботчилар танлаб

олиш ва улар воситасида Фотимийлар доврўғини узоқларга тарқатиш, бошқаларнинг улардан даҳшатга тушиб туришларини таъминлаш; танлаб олинган алоҳида вакиллар орқали номақбул Аббосий халифаларга ўлим ёғдириш эди. Тарғиботчилар бутун мусулмон ўлкаларида изғиб юришиб, ўзларига издошлар ахтарар эдилар. Албатта бу издошларга ушбу фирқанинг ғаразли мақсадлари аён қилинмасди, аммо даҳшатли бир тантанаворлик вазиятида улардан сўзсиз итоат қилиш ҳақида қасамёд олинарди.

Исмоилийлар ҳаракати умуман олганда бир жинсли бўлмасдан, унинг таркибида турли оқимлар ва қарашлар мавжуд бўлган. У дастлаб пайдо бўлганда қуллар, деҳқонлар ва бадавий кўчманчилар ҳамда камбағал шаҳарликларнинг кенг қатлами иштирок этган кўзғолонлар даврида мулкнинг умумийлиги, адолатпарварлик зулмга қарши норозилик каби кайфиятларни умумлаштирувчи маздакона шиорларни олға сурган бўлса, яширин ташкилот сифатида фаолият юритган кейинги босқичларда юқорида айтилган кўп босқичли таълимот сифатида шакилланиб, рационалистик фалсафий қарашлар билан омихта бўлиб кетган эди. Исмоилийлар таълимоти IX-XI асрларда вужудга келиб, нафақат Қуръонни ва илоҳий манбаларни эркин тадқиқ ва талқин қилиш, балки математика, астрономия, тиббиётга оид бўлган ҳар қандай илмий изланишларни ҳам рад этишга қаратилган ортодоксал таълимотга қарши ҳурфикирлилик ғояларини кўтариб чиқиб, юнон рационал фалсафий фикрларидан кенг фойдалангани ҳолда рационал билимларнинг бутун бир тизимини ривожлантирганлиги учун ҳам кўплаб машҳур олимлар, файласуфлар ва илғор фикрли давлат арбобларини ўз таъсирига ола олган эди. Шу билан бирга бу ҳаракат замирида ўта даҳшатли террорчилик сиёсатини ўрнатиб, бутун дунёга даҳшат солган «хашшошийлар» каби оқимлар ҳам майдонга чикди.

Ҳалифаликнинг энг сўнггиси Усманийлардир. Усманийлар ҳукмронлиги даврида - XVII асрда ҳалифалик Шарқда Эрон ва Хазар (Касбий) денгизига, ғарбда Адриатик денгизига ва Марокашга, шимолда Украинанинг ўртаси ва Польшага, жанубда Хабашистон (Эфиопия) ва Адан кўрфазигача чўзилган эди.

Империянинг (халифаликнинг ҳам) майдони уч қитъа - Оврупо, Осиё ва Африкага ёйилган бўлиб, аҳолиси олти миллиондан ортиқ эди. Кейинчалик Садри Аъзам Кўкрулзода Фозил Аҳмад Пошо халифалиги даврида бу ҳудуд аҳолиси 150 миллиондан ошиб кетди. Бу улкан империяда турли тилда сўзлашувчи, ҳар хил динларга эътиқод этувчи кўплаб миллатлар ва элатлар яшар эдилар. Империянинг салоҳияти ўта кучли бўлиб, Ўрта Ер денгизида Усмонлилар флотига тенг келадиган куч йўқ эди. Оврупода қудрати, бойлиги ва ҳудудига кўра унга тенг келадиган бирор давлат йўқ эди. Оврупода унинг сиёсати ҳоким сиёсат ҳисобланар, қолган барча давлатлар у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Табиийки, бундай ҳолат Овруподаги бошқа давлатларни, айниқса жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан чиқаётган Англияни ҳавотирга солмасдан қўймасди. Иккинчи томондан, империя ичида ҳам Турк ҳукмронлигидан қутилиш учун халифалик ҳудудидаги халқлар ва элатларнинг турли кўринишдаги ҳаракатлари юзага кела бошлади. Бундай ҳаракатлар кўп ҳолларда чет давлатлар, хусусан Англия томонидан ташкил этилар ва бундан мақсад Усмонлилар империясини ҳолдан тойдириш ва охири оқибатда уни парчалаб юборишдан иборат эди.

Лондонда Мустамлака ишлари Вазирлиги ташкил этилиб, ундан икки мақсад кўзда тутилар эди: 1. Англия мустамлакаси ичидаги ҳудудларни қўлдан чиқариб юбормаслик; 2. Ҳали Англия қўли остига ўтмаган ерларни эгаллаш. Бу икки мақсадни амалга ошириш учун Вазирлик таркибида икки махсус комиссия ташкил этилган эди. Бу комиссиялар мусулмонлар ўртасида турли хил фитналар уюштириш ва улар ўртасида низо ва ўзаро тўқнашувларни юзага чиқариб, халифаликни ҳолдан тойдирар эди. Бундай мақсадларда Лондонда махсус жосуслик гуруҳлари ташкил этилар, у ерда мусулмончилик ақидалари, араб, турк ва бошқа мусулмон мамлакатлари халқларининг тиллари ўрганилар эди. Узоқ тайёргарликдан сўнг жосуслар халифалик ҳудудларига юборилиб, у ердаги дин пешволари, ҳукмронлар ва ҳокимларга, халқ ичидаги айрим норози кишиларга яқинлашиб, секин-аста Исломни нуратиш сиёсатини амалга оширар

эдилар (Қаранг. М.Сиддик Помюш. Признания английского шпиона. Изд-во Вакифа Ихласа 2 - второе изд., Истамбул, 1995, с.3-7.).

Мана шундай ҳаракатлар оқибатида XVIII аср ўрталарида Арабистонда ваҳҳобийлик ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракатнинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдул-Ваҳҳаб (1703-1781) бўлиб, у "Исломни ҳар хил бидъатлардан тозалаш ва уни асл ҳолатига келтириш" шиори билан чиқди. Ваҳҳобийлар таълимотининг асосида "тавҳид", яъни яратувчилик фақат Аллоҳгагина хос ва фақат Аллоҳгина сиғинишга лойиқ зот – деган ғоя ётади. Бунда улар ибн Таймия (1263-1328) ва ибн ал-Қаййум таълимотларидан келиб чиқиб, динга кейинчалик киритилган ва Пайғамбар даврида бўлмаган ҳар қандай янгиликларга (бидъатларга) қарши туриб, авлиёларга сиғиниш, қабрларни зиёрат қилиш ва ҳ.к.ларга қарши кураш олиб бордилар. Ибн Таймия кучли мусулмон давлатчилигини ёқлаб чиққани ҳолда ҳалифалик бўлиши шарт эмас деган ғоянт илгари суради. **Ижтимоий-сиёсий соҳада** улар ижтимоий уйғунликни, мусулмонлар қардошлиги ва бирлиги ғоясини тарғиб қилгани ҳолда, мушрикларга ва "адашган" мусулмонларга қарши уруш эълон қилиб, "бундай мусулмонлар жоҳилия давридаги кишилардан ҳам мушрикрокдирлар", - деб ҳисоблар эдилар. Бу эса мусулмон бирлиги ва биродарлиги ақидасига тескари бўлиб, амалда мусулмонлар ичида бир-бирига қарши қирғинбарот урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Юқорида зикр этилган китоб муаллифининг хабар беришича, ваҳҳобийлик ҳаракати инглиз жосусларининг кўмаги ва уларнинг бевосита раҳбарлиги остида ташкил этилган бўлиб, ҳалифаликни бўлиб юбориш йулида улар эришган катта ютуқлардан бири эди.

Мусулмонлар ўртасидаги ўзаро мазҳабий мажоролар, миллий ва диний курашлар туфайли Усманий ҳалифалиги заифлашиб, таназзулга юз тута бошлади. Ҳарбий мағлубиятлар, сармоя танқислиги туфайли у ўзини олдинги салоҳиятидан айрила бошлади. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб бутун ҳалифалик ҳудудларида, айниқса Туркиянинг ўзида ислоҳатчилик ҳаракатлари кучайди. Бундай ҳаракатлар четдан бошқарилиб, амалда Усманий империясини,

халифаликни йиқитишга қаратилган эди. Бутун салтанатда халифаликка муҳолифат бўлган турли яширин ҳаракатлар бошланиб кетди. Булардан энг кучлилари "Янги Усмонлилар" ҳаракати ва "Иттифоқ ва тараққиёт қўмитаси" эди. Усмонлилар турли хил урушларга тортилиб, бирин-кетин мағлуб бўла бошлади. 1911 йилда Италия билан бўлган жангларда Африкадаги ерларини йўқотди. Биринчи жаҳон урушига кириш Усмонли халифалигини амалда барбод қилинишига олиб келди. Бу уруш натижасига кура 1918 йил 30 октябрда Мадорас битими тузилиб, Усмонийларнинг сўзсиз мағлуб бўлганлиги тан олинди ва халифалик ҳудудларига турли давлатларнинг аскарлари киритилиши ҳақида қарор қабул қилинди. 1920 йилнинг 16 март куни Истанбулни иттифоқчи кўшинлар ишғол қилди. Бу Усмонийлар империяси тугатилган кун бўлиб тарих саҳифаларига кирди. 1923 йил 24 июлда Лондон келишувига мувофиқ бугунги Туркиянинг чегаралари белгиланди. 1923 йил 29 октябрда Туркия Республикаси эълон қилинди. 1924 йил 3 март куни эса халифалик бекор қилинди. Шундай қилиб, 1292 йил давом этган халифалик барҳам топди.

УММАВИЙЛАР ВА АББОСИЙЛАР ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОС СИЁСАТИ

Умавийлар замонида идора қилиш аппарати анча мураккаблашди. Алоҳида ер ва жон солиғи оладиган жуда кенг тармоқли, молия амалдорлари аппарати ташкил қилинди. Шу нарса характерлики, энди фақат «кофирлар» эмас, балки мусулмонлар ҳам солиқ тулайдиган булди. Уч хил солиқ асосий солиқ ҳисобланар эди; 1) зараж-ер солиғи; 2) жузья-жон боши солиғи 3) закот-мажбурий туланадиган ушур, бу солиқ ҳам халқ учун айниқса оғир солиқлар эди-ҳараж билан жузья.

Суд ва бошка маъмурий ишлар араб тилида олиб бориладиган булди. Араб конунлари кодекси вужудга келтирилди. Хукмрон синфларининг манфаатлари нуқтаи назаридан олиб караганда ҳам уммавийларнинг социал базаси анча мукамал эмас эди. Асосан Сурия-Араб зодагонлари билан боғланган уммавийларнинг манфаатлари шарқий вилоятларга ёт эди. Месопатамия араблари Дамашкга доим қарши қайфиятда булиб келди. 747

йилда шаркий Эрон ва Хуросон деҳконлари ҳаракатига Абу-Муслим бошчилик килди, у ерли жамоачи деҳконларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида уммавийларга карши кузғалон кутарди. Кузғалон кенг тус олди ва каттагина исёсий окибатларга олиб келди. Эрон Месопотамия феодаллари бирлашиб туриб, 750 йилда уммавийларни ағдарди, бундан улар Аб-Муслим бошлик халк деҳкон ҳаракатларидан фойдаланадилар. Халифалик тахтини Абул-Аббос Конхур эгаллади, у Мухаммаднинг узига Месопотамиядаги ҳарбий-араб оиласига мансуб булган бу ҳалифа Мухаммадга кариндошман деб даъво килди. Бу шаҳзодалардан Абдурахмон исмли биттасигина улимдан кутилиб колди. У узок Испанияга кочиб бориб, у ерда орадан куп утмай узини мутакил амир деб эълон килди (756). Абу-Муслимни ҳам Аббос кулга тушириб, турмага ташлади, бир неча йилдан кейин у ҳалок булди. Аббос янги династияга-Аббосийлар династиясига асос солди, бу династия 750-йилдан 1055 йилгача идора килди. Халифаликнинг пойтахти Аббосжан кейинги ҳалифа Мансур даврида-762 йилда курилган Боғдод шаҳри булди. Шундай килиб, араблар сиёсий ҳаётининг маркази Суриядан Месопотамияга кучирилди.

Аббосийлар замонида араб давлати жуда ҳам тараккий топибди. Боғдод ҳалифалиги VIII-IX асрларда айникса кучли эди. Бу вақтда-Боғдодни барпо этган Мансур (754-775), Карл Буюкка замондош булиб, у билан дустона дипломатик алока килган Харунал Рашид (786-809), араб илм-фанига зур бериб ҳомийлик килган Ал-Маъмун (813-833) каби кудратли ҳалифалар идора килди. Аббосийларнинг «олтин даври» Мутаидид замонида (892-902) тугади. Халифалик ана шу вақтдан бошлаб тушкунликка юз тутди. Аббосийларнинг пойтахти-Боғдод жуда катта бир шаҳар булиб, унда ҳалифаги ва унинг якин одамларига карашли жуда куп сарой ва боғлар бор эди. Шаҳар доира шаклида булиб, унинг атрофи икки катор девор билан уралган эди. Бу шаҳар зодагонлар шаҳри, ҳалифанинг кароргоҳи ва унинг маъмурий пойтахти булиши билан бирга жуда катта бир хунармандчилик, айникса савдо маркази ҳам эди. Боғдод бозорларига узок-узок мамлакатлардан савдогарлар келар эди-бу ерда византияликлар,

хитойлар, хиндлар, малаяликлар, Шимолий, ғарбий ва ҳатто Марказий Африкада яшовчи кишиларни ҳам учратиш мумкин эди.

Аббосийлар даврида Олд ва Урта Осиёнинг, шунингдек, Шимолий Африканинг жуда кенг территориясида маълум вақтгача тинчлик ва хавфсизлик қарор топиши натижасида ҳалифалик иқтисодий жиҳатдан ғоят тараккий топди. Марказий ҳукумат. Ирригация системасига муттасил эътибор бериши натижасида, бу даврда деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришилади. Шоли, пахта ва фафрон кенг тарқалган кишлок хужалик экинлари эди. бу ерда юнг, ипак ва ип газламалар ҳам катта шуҳарт қозонди. Шиша ва ойнадан ясалган буюмлар, заргарлик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариладди. IX-X асрларда ҳалифаликнинг иқтисодиётида кенг қулам олган ички савдо ва айниқса ташқи халқаро савдо жуда катта урин тутарди. Араб савдогарлари йироқ шимолгача-юқори Волгагача ва ҳатто Балтика денгизи қирғоқларигача бориб савдо қилавердилар.

АДАБИЁТЛАР.

1. Османская империя и страну Центральной, Восточной и Юго-Восточной Европы в XV-XVI вв. М., 1984.
2. Пигулевская Н. В. Византия и Иран на рубеже VI и VII вв. М., Л., 1946.
3. Гутнова Е. В. Историография истории средних веков. 2-е изд. М., 1985.
4. Средневековье в его памятниках (Под. Ред.) Д. Н. Егорова. М., 1913.
5. Хрестоматия по истории средних веков (Под. ред) С. Д. Сказкина. М., 1962-1963. Т. I-II.